



# MILLIY TIKLANISH

34 (406)

2016 йил 27 август, шанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

**Нукус темир йўл вокзалида 5,5 миллиард сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, йўловчиларга кенг қулайликлар яратилди**

**Ахборот соҳаси ривожини тадбиркорлик субъектлари фаолиятида кўплаб қулайликлар яратди**

**"Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танлови 2009 йилдан буён юзлаб иқтидорли хотин-қизларни кашф этди**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАМ ОЛИШ КУНИНИ КЎЧИРИШ ТЎҒРИСИДА

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг йигирма беш йиллиги нишонланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2016 йил 4 сентябрь якшанба кунини иш кунини деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.Каримов**

2016 йил 4 сентябрь якшанба дам олиш кунини 2016 йил 2 сентябрь жума кунига кўчирилсин;

Тошкент шаҳри, 2016 йил 26 август

## "Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма беш йиллиги"

китоб-альбоми нашрдан чиқди

Яқинлашиб келаётган энг улуг, энг азиз айёмимиз — Мустақиллик байрами арафасида "Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма беш йиллиги" номли янги китоб-альбом нашрдан чиқди.

Маълумки, мустақил, озод, тинч ва фаровон яшаш дунёдаги барча халқлар учун энг муқаддас, энг буюк ва қадрли неъмат, ўз мамлакатини, ўз тақдирини эга бўлиш ҳуқуқини энг олий саодатдир.

Чорак аср муқаддам ўзбек халқи асрлар давомида интилиб келган ана шундай эзгу ва юксак орзусига эришди. 1991 йил 31 август кунини Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Президент Ислам Каримов мамлакатимиз мустақиллигини эълон қилди. "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Дунё харитасида янги мустақил, суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди.

Ватанимиз йигирма беш йиллик мустақил тараққиёт йўли давомида — тарихан қисқа муддатда асрларга тенг масофани босиб ўтди. Истиқлол йилларида мамлакатимиз, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди. Бугунги Ўзбекистон — бу жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган, жадал ривожланаётган ҳуқуқий демократик давлат, халқаро майдондаги нуфузи

ва ўрни йил сайин мустаҳкамланиб, интеллектуал ва иқтисодий салоҳияти тобора юксалиб бораётган замонавий мамлакатдир.

Юртимизнинг мустақиллик даврида босиб ўтган мураккаб ва айни вақтда шарафли йўли ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу альбомдан ўрин олган тахлилий мақола ва фотосуратлар мамлакатимизда амалга оширилган ва ошарилаётган, қўламини ва миқёсига кўра бениҳоя улкан ишлар, халқимизнинг оғир синов ва қийинчиликларни мардона энгиб, янги ҳаёт, янги жамият бунёд этишда қўлга киритаётган юксак ютуқ ва марраларини ёрқин ифода этиши билан айниқса эътиборлидир.

Альбом Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг мухтасар сўзбоши билан очилади. Мазкур сўзбошида, жумладан, шундай фикрлар таъкидланади:

"Мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустақил тизим кишанларидан озод қил-

гани, миллий демократик давлат қуриш, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрли ва мўътабардир.

Айнан мустақиллик топталган қадриятларимизни, дину диёнатимизни, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, халқимизнинг орзу-интилишларига, миллий манфаатларига жавоб берадиган келажакимизни қуриш йўлини очиб бергани билан тарихимизда абадий сақланиб қолажак".

Китоб-альбом "Бетақоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистони!", "Келажакка интилган мамлакат", "Даврни белгилаб берган инсон", "Суратларда акс этган юрт ҳаёти" сингари бўлимлардан иборат. Матнлар ўзбек, инглиз ва рус тилларида берилган.

Уйлаймизки, юртимизнинг етакчи ижодий кучлари ишгирида тайёрланган, юксак полиграфик сифат ва кўркем дизайн асосида нашр этилган мазкур китоб-альбом мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллик шонли санасига муносиб совға бўлади.

ЎЗА



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАМДА ИЖТИМОЙ СОҶАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

#### "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби"

**Фохриддин Зайниддин Рамазиевич** — Камолдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи рассом  
**Слоним Андрей Евсеевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри сахналаштирувчи режиссёри

#### "Ўзбекистон Республикаси фан арбоби"

**Валиев Уйғун Воҳидович** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг "Фотоника" кафедраси профессори

#### "Ўзбекистон ифтихори"

**Ғоибназаров Фазлиддин Ҳасанбоевич** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси  
**Ғиёсов Шаҳрам Жамшидович** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси  
**Дўсматов Ҳасанбой Маъруфжон ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси  
**Зоиров Шаҳобиддин Шокирович** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси  
**Мелиқўзиев Бектемир Рўздатжон ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

#### "Ўзбекистон Республикаси халқ артисти"

**Ашурова Зухра Жўраевна** — Ўзбек Миллий академик драма театри актриси  
**Зокирова Гавҳар Акмаловна** — Ўзбек Миллий академик драма театри актриси  
**Шарипов Абибулла Нағметович** — Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театри бош балетмейстери

#### "Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси"

**Ҳўжамбердиев Шодмон Эгамбердиевич** — Сурхондарё вилояти Шеробод тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази мутахассиси, бахши

#### "Ўзбекистон Республикаси халқ ёзувчиси"

**Аъзамов Эркин Нормаматович** — "Тафаккур" журнали бош муҳаррири

#### "Ўзбекистон Республикаси халқ устаси"

**Абдиев Олим Жабборович** — Бухоро махсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш бошқармаси реставратори  
**Ғаниев Зокир Ваҳобович** — «Устазода» халқ санъати усталари корхонаси ёғоч ўймакор устаси  
**Исматиллаев Холмаҳамат** — "Хунарманд" уюшмасининг Самарқанд вилояти бошқармаси аъзоси, устакул

#### "Ўзбекистон Республикаси халқ шоири"

**Сиддиқова Энаҳон Абдурахимовна** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раҳбари

#### "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси"

**Солиева Ҳури Мелихўжаевна** — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

#### "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист"

**Алиев Рихсибой Усмонович** — "Ўзбекфильм" киностудияси актриси  
**Бекмуратов Азат Жақсимбаевич** — Ўзбекистон давлат ёшлар театри актриси  
**Болтабоева Маъсуман Носировна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти  
**Борчанинов Кирилл Валерьевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

> 2-бет.

## Миллий ғурур

### Маърифатли миллат фарзандлари

илм-фанда ҳам ҳеч кимдан кам эмасликлари ва кам бўлмасликларини намойён этмокда



Турли соҳа ва йўналишда ўз истеъдоди ва салоҳиятини билан дунё илм аҳлини лол қолдираётган ёшларимиз кўп. Мустақиллик йилларида ўқувчиларимиз турли фанлар бўйича халқаро олимпиадаларда 24 олтин, 58 кумуш, 175 бронза медал, шунингдек, юзлаб дипломга эга бўлган фарзандларимиз бу борада эришган натижалар улуғворлигини тасдиқлаб турибди.

> 5-бет.

## Партия лойиҳаси — амалда

### "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони"

кўрик-танловининг республика босқичида иқтидорлилар сараланди

*Опани эъзозлаш — халқимизда олий қадрият. Халқимиз Ватан, тил каби энг муқаддас тушунчаларини она сифати билан англайди. Аслида аёл — Ватан тилмоши. Жаҳонда ҳеч бир ғўша инсонга она Ватаничашиқ меҳр беролмаганидек, ҳеч бир тил ҳам она тилидек тушунарли ҳамда азиз бўлмайди.*

Хотин-қизларга бўлган муносабат, эъзоз ва эҳтиром ҳамиша, ҳар қандай жамиятнинг маданий даражаси, қолаверса, фаровонлиги мезони саналади. Шу маънода бугун Ўзбекистонда хотин-қизларга кўрсатилаётган ҳурмат-иззат, уларга яратилаётган шарт-шароит ва имтиёзларга ҳавас қилса арзийди. Зеро, донишмандлардан бири айтганидек, "Ердаги барча гўзаллик аёлларга бўлган муҳаббат ва ҳурмат туфайли юзага келади."

Бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш, маънавий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда янгилаш борасидаги ислохотлардаги иштирокини кенгайтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

> 3-бет.





## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА БЕШ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОИЙ СОҶАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ Тўғрисида

**Ғафурова Сайёра Акмаловна** — Ўзбекистон Миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмасининг миллий симфоник оркестри артисти

**Мадмусаева Милена Орифжоновна** — “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси хонандаси

**Мустафоёва Раъно Қаршиевна** — Қашқадарё вилояти мусиқали драма театри вокал артисти

**Нишонов Баҳодир Исанович** — Ўзбекистон давлат ёш томошабинлар театри актёри

**Пирматова Нодира Йигиталиевна** — Ўзбекистон давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедраси катта ўқитувчиси, хонанда

**Раҳматуллаев Улугбек Ибрагимович** — “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси хонандаси

**Ҳақимова Меҳри Абдуқодировна** — Самарқанд вилояти мусиқали драма театри актёри

**Шораҳметова Нигина Аманбоевна** — “Сабо” рақс ансамбли рақосаси

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи”**

**Жуманов Исоқтой** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти сахна нутқи кафедраси доценти

**Жўрабекова Одина Хуршидовна** — Фаргона вилояти ўқувчи касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Мухиддинов Муслихиддин Кутбидинович** — Самарқанд давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси профессори

**Фозилов Абдураҳмон Раҳимович** — Ўзбекистон футбол федерациясининг муҳлислам жамаати раиси

**Эргашева Нодира Қосимовна** — Сирдарё вилояти Сардоба туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист”**

**Давлатова Саида Салиевна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали “Ахборот” муҳарририяси бош муҳаррири ўринбосари

**Каримбеков Қобилбек Тўхтабекович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Маҳалла” телеканали маънавий-тарбиявий дастурлар муҳарририяси телехас-сис-маслаҳатчиси

**Мусаева Гулбаҳор Жўрақуллова** — Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси бош муҳаррири — телевидение гуруҳи раҳбари

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими”**

**Акрамов Адҳам Тошпўлатович** — Фаргона вилояти мусиқали драма театри режиссёри

**Аминжонов Нурдинжон** — Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик маркази етакчи методисти

**Атабаев Зокиржон Жуманазарович** — Ўзбекистон ёшлар симфоник оркестри овоз режиссёри

**Атабаев Шодмонбек Эргашевич** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

**Гулзарова Инесса Сергеевна** — Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқа тарихи ва танқиди кафедраси доценти

**Зуфаров Тўхтамурод Усмонович** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, халқ чолғу асбоблари устаси

**Ибадуллаева Гавҳар Иноятовна** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими раҳбари

**Иргашев Муртаза Худойбердиевич** — Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтаъвирчи рассом

**Матимуратов Сағинбай Ембергенович** — Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси Қорақалпоқ ашула ва рақс ансамбли бадий раҳбари

**Матиязова Роҳила Худайбергеновна** — Хоразм вилояти кўнграқ театри сахналаштирувчи режиссёри

**Мусурмонов Рустам Равшанович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Раҳмонова Саломат Фармоновна** — “Бухоро гўзаллари” бадий дастаси балетмейстери

**Раҳимов Эгамберди Шаматович** — “Ўзбекфильм” киностудияси актёри

**Йўлдошев Абдуқаюм Турғунбоевич** — “Адолат” газетаси бош муҳаррири ўринбосари, ёзувчи

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими”**

**Бобомуродов Абдуҳаким Эгамуродович** — Самарқанд вилояти Тайлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими мудири

**Девятлов Андрей Васильевич** — Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази хирургия бўлими бош илмий ходими

**Қаландарова Амина Нуруллаевна** — Нукус “Она ва бола скрининги” маркази директори

**Назаров Улугбек Холмуродович** — Республика шопинг тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё филиали болалар хирургия

**Шек Александр Борисович** — Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

**Эргашев Ҳақимжон Холматович** — Фаргона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ортопедия бўлими мудири

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устаси”**

**Арслонов Шухрат Арслон ўғли** — Қаратё бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

**Аҳмедов Маъруфжон Қодирович** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

**Израилбекова Зарина Батировна** — Бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

**Рўзиохунов Раҳматжон Турсуневич** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

**Тойгонбаев Зиятдинбек Курманбекович** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

**Усмонов Жаҳонгир Мираброрович** — Ўзбекистон мини-футбол ассоциацияси раиси ўринбосари

**Ҳидоятлов Эшпўлат Эркинович** — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийи

**Якубов Шабурауф Сатторович** — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи”**

**Аҳмадалиев Муроджон Қаҳқор ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Ибрагимов Магомед Идрисович** — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Наврўзов Ихтиёр Каримович** — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Тўлаганов Рустам Тўлқин ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Урозбоев Дийёрбек Бахтиёр ўғли** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”**

**Умарова Дилфуза Исмоиловна** — Андижон вилояти Жалақудуқ туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчиси

**Эржабоева Завра Қайтаровна** — Самарқанд вилояти Қўшарбот туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

**“Эл-юрт ҳурмати” ордени билан**

**Нурудинов Руслан Шамилевич** — Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Собиоров Ришод Рашидович** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан**

**Аннақлиева Гулистон Аҳмедовна** — Қорақалпоғистон тонги” газетаси бош муҳаррири

**Комиллов Эркинбой** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**“Меҳнат шухрати” ордени билан**

**Аъзамов Абдулла** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адабиётшунос

**Аҳмедов Баҳодир Ҳайитбаевич** — Хоразм вилояти Хазорасп тумани тиббиёт бирлашмаси анестезиология-реанимация бўлими мудири

**Зульпанов Икромжон Мўминович** — Сирдарё вилояти Икромжон қириқасб-хунар коллежи бош устаси

**Ихтиёрва Мария** — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри вокал артисти

**Комилова Умида Кабировна** — Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

**Қосимова Шаҳноза Шоқосуповна** — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактаби директори

**Кенжабоев Қамчибек** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

**Курбанов Марат Галиевич** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи

**Маҳмудов Шахрилло Шарипович** — Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси раисининг биринчи ўринбосари

**Назиров Феруз Ғафурович** — Академик В.Вохидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия маркази директори

**Панкратов Сергей Анатольевич** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УЗАнинг ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бошлиғи

**Сатторов Насиба Пардаевна** — В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқитувчиси, хонанда

**Тожиқжоев Тўлаган** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ҳайкалтарош

**Тасмуратов Елмурат Зулпихар-ули** — Юнон-рум кураши бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Тошматов Шерзод Рихсибоевич** — Ўзбекистон бокс федерацияси раисининг биринчи ўринбосари

**Турдиев Фарход Каримович** — Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси вице-президенти

**Умурзокова Хуснора Худдиевна** — Бухоро вилояти Олот тумани тиббиёт бирлашмаси “Бўрибек” қишлоқ врачлик пункти мудири

**Хайтов Мўминжон Солиҳович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Тошкент телемаркази инфома-цион кўрсатувларни тайёрлаш ва эфирга узатиш хизмати смена бошлиғи

**Ҳақимов Ғулможон Ғафурович** — “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси касоба уюшма кўмитаси раиси

**Шеров Абдулла** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Якубжанов Фазлиддин** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бош дирижёри

**Қаландаров Дониёр** — Жиззах вилояти Баҳмал туманидаги 78-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаби директори

**Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлоднинг вояга етказиш ишига кўшган катта хиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, инстик-лол гоғларига садоқат, соғлом турмуш тарзи таъминлаш руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун кўйидагилар мукофотлансин:**

**II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан**

**Зарипова Ёркин Сабуровна** — Қорақалпоғистон Республикаси Ҳўжайли тумани тиббиёт бирлашмаси бош педиатри

**Рашидова Гўзал Ибрагимовна** — Қашқадарё вилояти Қарши тумани кўп тармоқли марказий поликлиника-си шифокор педиатри

**Ҳамидова Наима Набиевна** — Тошкент шаҳар “Му-рувват” ногирон болалар учун 2-интернат уйи тарбиячиси

**“Дўстлик” ордени билан**

**Азимов Ҳасан Ғафурович** — Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси “Ўзбекистон” ашула ва рақс ансамбли созандаси

**Ваҳобов Исмоилжон** — Ўзбекистон халқ ҳофизи, пенсионер

**Ваҳобов Исроилжон** — Ўзбекистон халқ ҳофизи, пенсионер

**Жирнов Владимир Николаевич** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, фоторассом

**Қодирова Лола Абдувалиевна** — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 302-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

**Қазақов Эгамберган** — Хоразм вилояти Урганч туманидаги 45-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори

**Қосимов Ойбек Омилович** — Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси бош котиби

**Ким Светлана Алексеевна** — Ўзбекистон давлат мусиқали комедия (оперетта) театри балет артисти

**Мамедова Гулбаҳор Мусаевна** — Каттакўрган шаҳар драма театри артисти

**Мусурмонов Ҳунарбой** — Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси муҳандис-техниклар гуруҳи бош муҳандиси

**Нарзиев Аълам Наимович** — “Овози тожик” газетаси масъул котиби

**Раджапова Бибисара** — Тошкент шаҳар туркман маданий маркази раиси ўринбосари

**Халилова Ойгул Темировна** — Қарши санъат коллежи ўқитувчиси

**Шавердова Елена Ивановна** — Ўзбекистон рус маданий маркази бошқаруви аъзоси

**Штурбабин Андрей Анатольевич** — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи

**Юсупов Зокиржон Мамажонович** — Андижон вилоят телерадиокомпанияси ижодий муҳарририят гуруҳи бош муҳаррири

**Ёқубов Нигмат** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, пенсионер

**Ёрбеков Эрназар Холмирзаевич** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институты мусиқали, драматик театр ва кино санъати кафедраси катта ўқитувчиси

**Мамлакатимизда амалга оширилган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлод-ни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига кўшган хиссаси учун кўйидагилар мукофотлансин:**

**“Шухрат” медали билан**

**Абдуллаев Анорбий Очирович** — Самарқанд вилояти Булуғтур тумани тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими шифокори

**Абдуллаев Собиржон Ҳамидович** — Ўзбекистон Миллий симфоник, камер ва халқ чолғулари оркестрлари жамоалари бирлашмаси артисти

**Абдуллаева Наргиза Тоҳировна** — “Ўзбекфильм” киностудияси актёри

**Адилова Камола Каримхоневна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Ешлар” телерадиоканали “Болажон” телеканали бош муҳаррири

**Акрамова Насиба Раимжоновна** — “Ўқитувчи” наشريёт-матбаа ижодий уйи муқоваловчиси

**Алланазаров Зинатдин Куатбаевич** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Нукус телерадиомакази телеоператори

**Атамўхамедов Акбар Ҳамидович** — “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси хонандаси

**Аҳмадалиева Латифа Ҳасанбоевна** — Наманган вилоят ўлкашунослик музейи тарих бўлими мудири

**Бабатаева Райхан Уктемовна** — “Нурли жол” газетаси масъул котиби ўринбосари

**Бегимкулов Ойбек Худойқуллович** — “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси Жиззах вилояти бўлими раҳбари

**Бекниязов Базарбай Курбанбаевич** — Нукус темир йўллари транспорти касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Бўтаев Фарруҳ Фурқатович** — “Халқ сўзи” газетаси бўлими муҳаррири

**Ғалашова Ирина Михайловна** — Сув спорти турларига ихтисослаштирилган Республика олимпия захиралари спорт мактабининг сузиш бўйича катта мураббийи

**Жўраева Зулхумор Абдураҳмоновна** — “Хунар-манд” уюшмаси аъзоси, кулол

**Досбергенова Генгеул Оразбаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзақ тумани тиббиёт бирлашмаси “Маданият” қишлоқ врачлик пункти мудири

**Дулиева Муҳаббат Турсунбоевна** — Жиззах вилояти ўлкашунослик музейи санъат бўлими катта илмий ходими

**Ерназаров Бекназар** — Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси масъул котиби, болалар шоири

**Жўраева Гулҳебра Холбоевна** — Жиззах вилояти Зомин “Мурувват” ногиронлар интернат уйи энагаси

**Зияватдинов Жамолитдин Фазлитдинович** — ЎзФА Биоорганмиким институты катта илмий ходими

**Изимбетов Расул Кайруллаевич** — “Айқулаш жул-дузлари” Қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли артисти

**Эргашева Саида Жалиловна** — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети лингвистика ва инглиз адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

**Исмаилов Ажиниёз Ембергенович** — Қорақалпоқ давлат университети маданият саройи директори

**Қодиров Фарход Шухратович** — Ўзбекистон Бадий жамоалари ижодий бирлашмаси “Мақом” ансамбли созандаси

**Қодирова Зулайхо Раимовна** — ЎзФА Умумий ва ноорганмиким институты лабораторияси мудири

**Қодирхонов Расулхон Сайбурхоневич** — Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри хор артисти

**Қомилова Доно Абдуазимовна** — Ғафур Ғулум номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйи муқовалаш цехи бошлиғи

**Қариев Ғайрат Маратович** — Республика нейрорхи-рургия илмий маркази директори

**Ливерко Ирина Владимировна** — Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

**Мадумаров Умиджон Усмонович** — Фаргона вилояти Бувайда тумани тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти мудири

**Мамажонов Махпиратхон** — Андижон вилояти Асака тумани марказий маданият ва аҳоли дам олиш маркази “Асака” халқ театри режиссёри

**Мардонова Гавҳар** — Республика марказий кўзи оғирлаш кутубхонаси бўлими м







Муносабат

Спорт — тинчлик, ҳамжиҳатлик эъчиси. У одамлар қалбида ватанпарварлик ҳиссини жўшурдиради, ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялайди.

Истиклол йилларида Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг жисмонан ва маънан спорт инсонлар бўлиб улғайиши, етук билан мунтазам шугулланиши, ўз истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун кенг шароит ва имкониятлар яратилди. Бунинг юксак самаралари Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида юртимиз спортчилари эришган улкан натижаларимизни қатор давлат муҳофизотлари билан тақдирлангани қувончмизга янада қувонч улашди.

Истиклол ўғил-қизларнинг юксак парвози учун мустаҳкам қанот бўлаётди. Рио Олимпиадасида Галиб ва Солиндор бўлган спортчиларимизнинг аксарияти 20-25 ёшда. Улар мустақиллик йилларида туғилиб юзга етган, истиқлол инъом этган имкониятлар, шарт-шароитлар асосида таълим олиб, спорт билан шугулланиб, ана шундай юксак натижаларни қўлга киритмоқда. Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди сингарии буюк аждодларимиз, кураги ерга тегмаган Пахлавон Маҳмуддек полвонларга муносиб ворис эканликларини, ўзбек ўғлонига хос мард, жасур ва шижоатини яққол намоён қилдилар.

Айниқса, боксчиларимиз 3 олтин,

Истиклол фарзандлари

юрт шаънини юксалтираётди

2 кумуш ва 2 бронза медални қўлга киритиб, Куба, АҚШ, Буюк Британия ва Россия каби бокс ривожланган давлат спортчиларини орта қолдириб, дунёда биринчи ўринни эгаллади.

Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси қайд этган натижалар "ким эдигу ким бўлдиқ", деган саволга ёрқин ҳаётий жавобдир. Ҳақиқатан ҳам истиқлол йилларида спортга берилмаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар спортчи йигит-қизларимизнинг жаҳон майдонларида байроғимизни баланд кўтаришига, мадҳиямизнинг баралла янграшига замин бўлаётди. Анъанавий ўтказиб келинаётган уч босқичли спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада мусобақалари ёшларнинг спортга кенг жалб этиш, профессионал спортчиларни тарбиялашда алоҳида ўрин тутмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан дунё миқёсида кузатилмаган мутлақо янги тизим — Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилгани бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш, янги босқичга кўтариш ва

изчил давом эттиришда муҳим омили бўлмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси жисмонан соғлом ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш, болалар ва ёшларнинг кенг қўламада спорт билан мунтазам шугулланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшларни уч босқичли тизимдаги оммавий спортга кенг жалб этишни янада ривожлантиришга, мактаб ўқувчиларининг халқаро мусобақаларда иштирок этишига қўмаклашишни мақсад қилган. ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларимиз ушбу мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда спортни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларда фаол иштирок этади. Ўзбекистон спорт оламини янги саҳифа очган олимпиадчиларимизнинг эришган ютуқ ва натижаларини, спортнинг аҳамиятини, юртимиз фарзандларининг дунёда ҳеч қимдан кам эмаслигини ёш авлод ўрталарида янада кенг тарғиб-ташвиқ қилади.

Шерзод РАХИМОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Юксак эътибор ва ғамхўрлик самараси

Ер юзидagi миллиардлаб инсонлар қатори ҳалқимиз ҳам тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси — Олимпия ўйинларини катта ҳаяжон, чексиз фахр ва ифтихор билан кузатиб борди.

Албатта, бундай йирик спорт анжуманида иштирок этиш, унда она Ватан шаънини муносиб ҳимоя қилиб совриндор бўлиш ҳам спортчи, ҳам мамлакат учун гоятда шарафлидир. Шу боис ўзбекистонлик спортчиларнинг XXXI ёзги Олимпия ўйинларида эришган оламшумул ютуқларини халқимиз катта хурсандчилик билан қарши олди. Бугун юртимизнинг барча ҳудудида одамлар спортчиларимизнинг галабаси, кўрсатган матонатни ҳақида фахр-ифтихор билан тўлқинланиб сўзлашапти. Бу халқимизнинг биригидан, ҳамжиҳатлигидан. Миллий гурур, Ватанга дахлдорлик туйғуси юқориликдан.

Юртимиз вакилларининг спорт оламининг энг нуфузли мусобақасида қайд этаётган натижалари тасодиф эмас. Бу "аввало", мамлакатимизда болалар спортини профессионал спортга уйғун ривожлантириш, ёш авлодни ҳар жиҳатдан баркамол улғайтириш, уларнинг иқтидор салоҳиятини юзга чиқариш, халқаро спорт ареналарида Ватанимиз номини янада улуғлашга қодир спортчилар эътибор ва ғамхўрлик самарасидир.

Шу ўринда савол туғилади: Фазаилдин, Хасанбой, Шаҳобиддиндек ажбир, Русландек пахлавон йигитлар мустақил тузум даврида йўқмиди? Албатта, бор эди. Нега унда улар худди бугунгидек

майдонга отилиб чиқмаган, шоҳсупанинг энг юқорисига кўтарила олмаган? Чунки ўша даврда уларга халқаро майдонда беллашиш, чемпион бўлиш имконияти берилмаган. Жуда кўп спортчилар халқаро мусобақаларда қатнашиш тугул, собиқ иттифоқ терма жамоасига кириш учун адоғи йўқ тўсиқларга дуч келар, турли сансалорликларни бошидан ўтказарди. Халқаро турнирларда иштирок этиш учун собиқ марказнинг "қовоғи"га қараб иш қўришга мажбур эдик.

Бугун эса ёшларимиз учун хоҳ шаҳарда, хоҳ олис қишлоқда бўлсин, спорт билан шугулланиш, ўз иқтидорини рўёбга чиқариш учун барча имконият етарли. Уларга бундай имкониятни истиқлол берди. Спортчиларимиз бугун мустақил Ўзбекистон номидан қайси спорт туридан бўлмасин, энг нуфузли мусобақаларда қатнашапти, чемпион бўляпти, янги-янги рекордлар ўрнатапти. Дунё ахли ўзбек спортчиларига ҳайрат ва ҳавас билан боқмоқда.

Бундай натижаларга, албатта, ўз-ўзидан эришилгани йўқ. Бунинг замирида, энг "аввало", юртимизда давлатимиз раҳбарининг спортга қаратаётган юксак эътибори, ғамхўрлиги мубарак. Айниқса, спортчилар учун яратилган шароитлар, уларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганини кўриб, кишининг ҳаваси келади. Олимпия ўйинларида зафар қўчган спортчиларимиз давлатимиз раҳбари фармоиши билан катта миқдорда пул мукофоти билан тақдирланди. 24 августда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, адабиёт,

маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида" ги фармонига мувофиқ беш спортчи "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони берилди. Бир гуруҳ мураббийлар "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвонига лойиқ қўрилди. Олимпиада рекордчиси Руслан Нурудинов ҳамда Олимпиаданинг уч қарра совриндори Ришод Собиров "Эл-юрт хурмати" ордени билан мукофотланди. Олимпиадада совриндор бўлган яна беш спортчимиз Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи бўлди. Айтинг-чи, дуненинг яна қайси давлатида спортчи учун бундай даражада эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилади? Менимча, фақат бизнинг юртимизда спортчилар ана шундай эъзозланади, қадрланади.

Юксак унвон ва орденлар билан мукофотланганлар орасида мен ҳам борлигимдан қалбим чексиз фахр ва ифтихорга тўлди. Давлатимиз раҳбари камтарона меҳнатимизни юқори баҳолаб, "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирлагани ҳаётимдаги энг унутилмас ва қувончли кун бўлиб қолади. Бундай юксак ишончни оқлаш учун бор куч ва ғайратимизни ишга соламан.

Шерзод ТОШМАТОВ, Ўзбекистон бокс федерацияси раисининг биринчи ўринбосари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, "Меҳнат шухрати" ордени соҳиби

вокзалга етиб келди. Бу ерда илк поезд ва унинг йўловчиларини Бухоро вилояти йўловчилари, кенг жамоатчилик тантана билан қарши олди. Бу беҳиз эмас. Чунки бу вилоят тарихи зарварларига олтин ҳарфлар билан битиб қўйилган унутилмас воқеа ва кун бўлди. Одамларнинг тилида шукроналар, юз-қўзида ҳайрат ва қувончга гувоҳ бўлдиқ. Барча бир-бирини табриклаган, таассуротларини изҳор этган...

Поезднинг дастлабки йўловчилари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирилик ва идоралар ходимлари, меҳнат фахрийлари, темирйўлчилар, Бухоро, Самарқанд, Навоий вилоятлари фаоллари, темир йўл ходимлари ва ёшлар вакиллари бўлди. Бу воқеа Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига халқимиз учун энг катта туҳфа бўлди.

Йўловчилар шу кунгача Тошкент ва Бухоро ўртасидаги қарийб 600 километр масофани 8-10 соат ичида босиб ўтган бўлса, энди атиги 3 соату 30 дақиқада ўз манзилларига етиб олиш имконига эга бўлди.

Юқори тезликда ҳаракатланадиган "Afrosiyob" поезди қатновининг кўҳна Бухорога ҳам йўлга қўйилиши темир йўл транспортини ривожлантириш ҳамда транспорт хизмати сифатини ошириш борасидаги ишларнинг мантаний давомидир. Қолаверса, бу жаннатмонанд Ўзбекистонимизнинг иқтисодий ва бунёдкорлик кудрати тобора юксалаётгани, фаровонлигимиз, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг яна бир ёрқин кафолатидир.

Назир СОБИРОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Ким эдигу ким бўлдиқ?

Кундан кун чирой очаётган Қорақалпоғистон

Энг улуғ, энг азиз айём — мустақиллигимизнинг 25 йиллик шодиёнаси олдидан халқимиз ўз ҳаётининг сўнги чорак асрида эришган натижаларини сарҳисоб қилар экан, унинг қўламини ва салмоғидан қўнгли тоғдек кўтарилади, қалбида юксак гурур ва ифтихор ҳиссини туйида. Чундан-да истиқлол мамлакатимиз ҳаётида, юртимиз қиёфасида, қўнғини, ҳар биримизнинг турмуш тарзимизда туб бурилиш ясади, катта ўзгариш ва янгилашлар учун кенг имконият яратди. Бугун қай бир ҳудудда бўлманг, улкан бунёдкорлик ва янгилашлар устидан чиқасиз, шаҳару қишлоқлар қиёфаси кўркам ва обод бўлиб бораётганига гувоҳ бўласиз. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бундай кенг қўламини ислохотлар ҳудудлар тараққиёти, иқтисодий юртимизнинг барқарор ривожланиши, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Собиқ тузум даврида чекка ҳудуд сифатида мутлақо эътибордан четда қолган Қорақалпоғистон Республикаси сўнги йилгирма беш йил ичида қайта чирой очди, барча соҳа ва тармоқларда туб ўзгаришлар, кенг қўламини ислохотлар амалга оширилди. Шу боис қорақалпоғистонликлар бугундан мамнун, эртанги кунига ишонч ва шукроналик билан Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик тўйига қизгин ҳозирлик қўрмоқда.

Мамлакатимизнинг шимолий минтақаси бўлган Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Пухта ўйланган, боқичма-боқич амалга оширилаётган изчил ва кенг қўламини ислохотлар туфайли Қорақалпоғистон Республикаси оддий агар ўлкадан замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий инфратузилмаси, транспорт-коммуникация тармоқлари ривожланган минтақага айланди. Жумладан, Марказий Осиёда ягона Кўнгрот сода заводи, Хўжайли шиша заводи, "Марказий Осиё безак тошлари" кўшама корхонаси, Кўнгрот қарибид, Нукус мрамр ва кабель заводлари, Ўрга газ кони, "Элтёкс" ва "Катекс" каби замонавий ишлаб чиқариш объектилари ҳудуднинг иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутмоқда. Худуддаги санат ва ишлаб чиқариш объектилари хусусида сўз борганда, жанубий корейлик инвестор ва мутахассислар билан ҳамкорликда Сурғил кони неғизида барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуасини алоҳида тилга олиш жоиз. Умумий қиймати 4 миллиард доллардан ошадиган ушбу мажмуа дунёдаги энг замонавий, юқори технологиялар асосида ишлайдиган, йирик корхоналардан биридир. Мажмуанинг ишга туширилиши йилга 83 минг тонна ноёб полипропилен маҳсулотини ишлаб чиқариш, полиэтилен ҳажмини эса 3,1 баробар кўпайтириш имконини беради. Шу билан бирга мингдан зиёд малакали мутахассислар учун янги иш ўрни яратилади.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва туманлари, чекка қишлоқ ва овулларида барпо этилган мухташам, салобатли бинолар, маданий-маиший ва санат иншоотлари, замонавий меъморий андозалардаги кўп қаватли ҳамда намунали лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, сервис хизмати объектилари ҳудудлар кўрқига кўрк қўшмоқда. Ана шундай муҳим иншоотлардан бири — Нукус темир йўл вокзалида 5,5 миллиард сўмлик реконструкция ва обodonлаштириш ишлари амалга оширилди. Замонавий меъморий андозаларга мос тарзда қайта бунёд этилган вокзал биносиде бир вақтнинг ўзида 400, бир кеча-кундузда эса 1,8 минг йўловчига хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Йўловчиларни кутиб олиш ва кузатиб қўйиш учун олти йўлак барча қўлайликка эга бўлди. Йўловчилар учун VIP кутиби бўлиб, дам олиш хоналари, савдо шохобчалари барпо этилди. Поездлар йўналиши ва қатнови тўғрисида ахборот берадиган электрон маълумотлар таблоси ўрнатилди. 1,4 гектар майдонни эгаллаган вокзал ҳудудида кенг қўламини обodonлаштириш ишлари амалга оширилди. Гулга бурканган ям-яшил хиёбон ўртасида бунёд этилган замонавий фаввора вокзалга ҳам кўркамлик улашади, ҳам йўловчиларнинг ҳордиқ чиқаришларига хизмат қилади. Қорақалпоғистонга ташриф буюрадиган меҳмон ва сайёҳлар замонавий темир йўл вокзали хизматларидан мамнун бўлмоқда.

Бугун Қорақалпоғистоннинг қай бир гўшасида бўлманг, истиқлол шукҳидан кўкси сарбаланд одамларнинг қувончи, шоду хуррамлиги устидан чиқасиз. Фарзандлари, набираларини етаклаб дам олиш ва истироҳат боғларига йўл олган бобо-буви-лар, ота-оналар тинч-осойишта кунларга, юртимиз фаровонлигига шукроналар айтмоқда. Бу масканларда яратилган қулай шарт-шароит, замонавий аттракционлар эса болажонлар қувончига қувонч бағишлаётди.

Маданият ва истироҳат боғи одамлар сайр қиладиган, маданий ҳордиқ чиқарадиган, байрамлар, халқ сайллари ўтказиладиган муҳим маданий маскан саналади. Худудда аҳолийн муносиб маданий ҳордиқ чиқариши учун кенг шарт-шароит ва қўлайликлар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳмадининг 2013 йил 25 июндаги "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига асосан худуддаги қишлоқ дам олиш ва истироҳат боғлари, маданий марказлари реконструкция қилинди, янгилари барпо этилди. Жумладан, 2013 йилда фойдаланишга топширилган Кеғейли туманидаги 250 ўринли, Беруний туманидаги 150 ўринли маданий маркази қурилишига бюджет маблағлари ҳисобидан 889 миллион сўм сарфланди. 2014 йилда эса ана шундай етти та марказда қурилиш ва таъмирлаш ишлари якунланди. Амударё туманидаги "Чойкўл", Нукус туманидаги "Кутанкўл", Қонлиқўл туманидаги "Сариолтин", Қораўзақ туманидаги "Маданият" ва Тўртқўл маданият ва аҳоли дам олиш марказлари фойдаланишга топширилди. Бу мустақиллигимизнинг қўтуғу тўйи олдида аҳолимиз учун муносиб совға бўлди.

Мустақиллик қорақалпоқ фарзандларининг истеъдоди ва салоҳиятини юзга чиқаришда ҳам кенг имкониятлар яратди. Айни пайтда фаолият кўрсатаётган Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали, Олимпия захиралари коллежи, юзлаб умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар, болалар спорт, болалар мусика ва санъат мактаблари фарзандларимизнинг юксак марра ва натижаларини қўлга киритишида муҳим омили бўлмоқда. Президентимизнинг 2008 йил 28 апрелдаги қарори билан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали очилиб, бугун ушбу ўқув муассасасида беш йўналиш бўйича таълим берилмоқда. Ёш иқтидор соҳибларининг эзгу интилишларини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар самараси ўларок, Қорақалпоғистон Республикасида 14 ёш истеъдодчиси "Ниҳол" мукофоти совриндори бўлди. Улардан икки нафарига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, беш нафарига эса Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист фахрий унвонлари берилди. Қорақалпоғистонлик ёш истеъдодлар жаҳон саҳналарида ҳам юксак эътироф этилаётди.

Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистон Республикаси истиқлол йилларида барча соҳа ва йўналишларда улкан ютуқларни қўлга киритди. Чорак асрлик эришилган натижалар сарҳисоби эса ҳар биримизни мувафқиятлар билан ҳам гурурланишга, ҳам ушбу ютуқларини янада мустаҳкамлаш, тараққиёт ва ривожланишга ўз ҳиссамизни қўшишга ундайди.

Жамила НИЁЗОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси, Тоғжой Романов, ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси

Халқимиз бунёдкорлик салоҳиятини яна бир намойиши

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги арафасида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" поездининг Тошкент-Бухоро йўналиши бўйича қатнови йўлга қўйилди

Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ноқ темир йўл транспортини изчил ривожлантириш, ягона миллий темир йўл тизimini яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Узоқ истиқболга мўъжасланган мажмуа дастурлар, лойиҳалар асосида ушбу соҳада кенг қўламини ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, янги темир йўл ва йўналишлар барпо этилди, асосий транспорт участкалар реконструкция қилинди ва электрлаштирилди, вокзаллар қурилиб, мавжудлари таъмирланди.

Бундан беш йил муқаддам — истиқлолимизнинг 20 йиллиги арафасида Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи бўлиб мамлакатимизда Тошкент-Самарқанд йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган "Afrosiyob" поезди қатнови йўлга қўйилган эди. Кейинчалик бу борадаги ишлар бошқа йўналишларда ҳам давом эттирилди: 2015 йилда Мароқанд-Карши темир йўл линиясини электрлаштириш ишлари якунига етказилди ва "Afrosiyob" Қаршига ҳам қатнай бошлади.

Президентимизнинг 2015 йил 26 мартдаги "Самарқанд-Бухоро темир йўлини электрлаштириш ва

юқори тезликдаги йўловчи поездлар ҳаракатини ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қарорига мувофиқ ўтган йили Самарқанд-Бухоро йўналишидаги мавжуд темир йўл линияларини реконструкция қилиш, янги пўлат излар ётқириш ҳамда электрлаштириш ишлари бошланди. Умумий қиймати 400 миллион АҚШ долларини ташкил этувчи, темир йўл узунлиги 259 километрдан иборат мазкур лойиҳа 16 ойда — муддатдан 4 ой олдин битказилди. Мингдан ортиқ темирйўлчилар, қурувчи ва мутахассислар ҳар қандай об-ҳаво шароити ва табиат инжиқликларига қарамай, белгиланган ишларни ўз вақтида, сифатли бажарди. 220дан ортиқ замонавий техника ва механизм ёрдамида 16,2 миллион кубометр тупроқ ишлари бажарилди. 146 километрлик Мароқанд-Навоий участкасида ер кўтарма ишлари амалга оширилиб, алоҳида янги темир йўл қурилди. Навоийдан Бухорогача бўлган масофада мавжуд пўлат излар тўлиқ реконструкция қилинди.

Ушбу йўналишда 222 сунъий иншоот, жумладан, 1 пидедалар ўтиш йўлаги, 4 йўл ўтказиш ва 4 кўприк қуриб битказилди. Поездларини доимий электр қуввати билан таъминлаш мақсадида ҳудудда 4 электр станцияси бунёд этилиб, замонавий техник жиҳозлар билан

таъминланди. Лойиҳа доирасида Бухоро вокзали замон талаблари даражасида реконструкция қилинди. Эскирган ва кўрimsиз вокзал биноси ўрнида 300 йўловчига хизмат кўрсатишга мўъжалланган ва халқаро андозаларга тўла жавоб берадиган мухташам бино қадроstdлади. Мажмуада йўловчилар учун энг сўнги русумдаги техник воситалар, замонавий жиҳозлар ўрнатилди. Кенг, кўркам кутиш зали, чиптахоналар, она-бола ва тиббиёт хонаси барпо этилди. Юқори мартабали меҳмонлар ва сайёҳларни кутиб олиш, кузатишга мўъжалланган зал қурилди.

Энг улуғ, энг азиз байрамимиз арафасида ушбу лойиҳа тўлиқ ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилди ва 25 август кун Тошкент — Бухоро йўналишида юқори тезликда ҳаракатланувчи "Afrosiyob" электр поездининг илк қатнови амалга оширилди.

...25 август кун соат 8.00 да Тошкент шаҳридан йўлга чиққан "Afrosiyob" поездини орадан 2 соат 8 дақиқа ўтиб, Самарқанд темир йўл вокзалида вилоят жамоатчилиги тантанали кутиб олди. Соат 10.30 да эса яна бир гуруҳ самарқандлик фаоллар қўшилган "Afrosiyob" илк бор кўҳна ва боқий Бухоро шаҳри томон йўл олди. Бепоён далалардан соатиға 251 километр тезлик билан елдек унган поезд соат 11.40 да янги қурилган "Бухоро" темирйўл



31 август — Катагон қурбонларини ёд этиш куни

# Мангуликка муҳрланган қадрият

**Истиқлол қадр, аввало, халқимизнинг шаъни, қадр-қиммати, гурур-ифтихори, маънавияти ва миллий қадриятларини қайта тиклашда намоён бўлади. Бу жараёнда мустақил тузум даврида қатагон қилинган юзлаб ватандошларимиз хотираси абадийлаштирилганини таъкидлаш лозим. Бундай савобли ишлар изчил давом эттирилмоқда.**

ри билан дунёни хайратда қолдирган эл-юртимиз қандай оғир машаққатларга дучор бўлганини яхши биламиз. Лекин ана шундай дахшатли даврда ҳам ҳар қандай зулм ва истибодга қарамасдан, халқимиз ўзини, ўзлигини йўқотмади. Тилини ва динини, иймон-эътиқодини сақлаб қолди. Ноҳақлик ва зўравонлик ҳукмрон бўлган шундай замонларда ҳам юртимиздан миллат ва халқ қайғуси билан яшаган ҳақиқий ватанпарвар инсонлар етишиб чиқди. Халқимизнинг асрлар синовида янада кучайиб, тобланиб борган мустақам иродаси, иймон-эътиқоди нафақат қадимий маънавиятимиз, балки миллий ўзлгимизни сақлаб қолишга асос бўлди.



...Мажмуа марказида баландлиги 27 метрли ротонда жойлашган. Ёркин нима сабабдан сургун қилингани, бошидан нималар ўтгани ҳақидаги ўй-ғумонларимизга ечим топилди. — дейди Бухоро вилояти Қоровулбозор шаҳридан Бахтиёр Мустафоев. — Бобом сургун қилингандан анча йиллар ўтиб қайтмагач, Фотима момом турмуш ўртоғи ҳақида сўроқлаб тегишли идораларга боради. Лекин у ҳақда ҳеч қандай маълумот айтилмайди. Бу мавҳумликдан, момом турмуш ўртоғини келади деган умид билан яшаган. Энди билсак, бозорда тарозибон бўлган бобомга 1938 йил 22 октябрда совет давлатига қарши тарғибот олиб борган, деган айб қўйилган. Уч йилга сургун қилинган, бироқ бу ҳукм 17 ноябрда қайта кўрилиб, қатл этилган экан. Бу маълумотларни оиламиз билан ўқир эканмиз, “бобомиз бундай

адолатсизликда қандай яшаб ўтди, охириги дақиқаларда кўнглидан нималар кечди, ёнида ким бор эди? Сўнгги лаҳзаларда нималарни айтиб кетди?” деган саволлар кўнглимизни эзади. Ана шундан сўнг отам ва аммаларимизнинг кўнгли бироз таскин топди. Хукуматимизга раҳмат! Шунча ҳужжатларни йиғиб-сақлаб, ҳақиқатни тиклаш, албатта, осон иш эмас. Мустақиллик шарофати билан халқимизнинг ўтмиши улуғлиги, аждодларимиз хотираси эъзозланди.

Ёдгорлик мажмуасининг маънавий маърифий маркази ҳисобланган “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи эса 2002 йил 31 августда қуриб битказилди. Шу йили Ўзбекистонда Қатагон қурбонларини ёд этиш куни илк бор нишонланди, 31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни сифатида тарих саҳифаларида муҳрланди. Бинобарин, тарихга назар ташлаб, ўша маълуом 1937-1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100

минг киши қатагонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя. “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи ва музейнинг айнан шу жойда — кўп-кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида барпо этилишида аниқ тарихий асос ҳамда чуқур маъно бор.

Ёдгорлик мажмуи ва музей барпо этилган жой XX асрнинг 20-йилларида то Иккинчи жаҳон уруши бошлангунигача қадар совет давлатининг жазо органларига қатлгоҳ бўлиб хизмат қилган. Тошкент шаҳрида қатагон қурбонлари шу ердаги уч қатлгоҳда отилган. Мажмуада ана шу собиқ уч қатлгоҳ ҳудудларини ўзаро бирлаштириб туради. Агар рамзий сағана ёдгорлик мажмуининг мемориал маркази ҳисобланса, музей биноси унинг маърифий ўчоғидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 майдаги “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорига биноан кенг кўламли илмий ҳамда амалий ишлар амалга оширилиб, 10 бўлим, уч залдан иборат музейнинг янги экспозицияси яратилди. Экспозиция даврий чегараси XIX аср охиридан то Ўзбекистон мустақилликка эришган кунгача бўлган узоқ даврни қамраб олган. Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқлари ҳақида эса алоҳида зал экспозицияси мавжуд.

Янги музейда компьютер технологияларидан, кўргазмалли маълумот базаларидан, аудиоматериаллардан кенг фойдаланмоқда. Залларда ҳар бир бўлим учун маълумотлар базаи жойлаштирилган махсус сенсорли кюосклар ва ҳужжатли фильмлар ёзилган видеомониторлар ўрнатилган. Музей республикадаги бошқа илмий ташкилотлар, жамоат ва хайрия фондлари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, хорижий мамлакатлардаги турдош музейлар билан кенг илмий-маданий алоқалар ўрнатган. Ҳамкорлик ҳақида қатор шартномалар имзоланган.

Бир сўз билан айтганда, музейдаги нодир экспозициялар, фотолавлалар ва тарихий ҳужжатлар ташриф буюрган ҳар бир кишидан у замоннинг қандай адолатсиз ва шафқатсиз бўлгани ҳақида аниқ тасаввур уйғотади. Ота-боболаримиз бир умр орзу қилган, бугунги авлодларга насиб этган мустақилликни кўз қорачигидай асраш биз, ёшларнинг фарзандлик бурчимиздир.

Дилфуза РЎЗИЕВА,  
“Milliy tiklanish” мухбири

## Миллий гурур

« Давоми.  
Бошланиши 1-бетда.

Зотан, юртимизда навқирон авлод истиқболи йўлида яратиб берилган чексиз имкониятлар ўғил-қизларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайдиган инсонлар этиб вояга етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

## Маърифатли миллат фарзандлари

Илм-фанда ҳам ҳеч кимдан кам эмасликларини намоён этмоқда

Жорий йилнинг 14-20 август кунлари Таиланд Қироллиги Чианг Маи шаҳрида математика фанида бўлиб ўтган халқаро мусобақада Ўзбекистон жамоаси муваффақиятли иштирок этгани ҳам бунинг далилидир. Ўттизга яқин давлатдан олти издан ортик ўқувчи катнашган мазкур интеллектуал беллашувада мамлакатимиз жамоаси вакиллари иккинчи ўринни эгаллади.

Ушбу мусобақага мамлакатимиз ёшлари ҳам қизгин тайёргарлик кўрди. Халқ таълими вазирлиги ўтказган “Билимлар беллашуви”нинг туман, вилоят босқичида қатнашган 6-8 синфларнинг 350 ўқувчиси орасидан фақат 4 нафари халқаро олимпиадага йўлланма олди. Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернетининг 7-синф ўқувчиси Шаҳбоз Ҳасанов ҳам ана шундай бахтга муяссар бўлган иқтидорли ёшлардан. Ёш математикнинг ушбу ютуғи энг улуг, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз истиқлолининг 25 йиллигига ўзига хос совғаси бўлди.

— Жонажон Ватанимизда биз, ёшлар учун яратилган улкан имкониятлар шарофати билан шундай ютуқларга эришадирми, — дейди Шаҳбоз Ҳасанов. — Ўзбекистондек бой маънавий меросга эга, жаҳон илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшган мутафаккир аждодларимизга бешик бўлган, фарзандлари меҳр ва ардоқдаги табарруқ днёрнинг фарзанди эканимдан гоёта фахрланаман.

Оиладаги ўқишга иштиёқ боис Шаҳбоз болалигидан тенқурларидан фарқли ўлароқ, китоб варақлаб, ундаги ёзувларни тушунамаса-да, ўзича дафтарга кўчиришга ҳаракат қиларди. Тўрт ёшдаёқ ёзишни, санашни ўрганди, ҳам математикага, ҳам адабиётга меҳри тушди. Шундай бўлиши ҳам табиийдир балки. Боиси ота-онанинг бири мамматика, иккинчиси тил ва адабиёт ўқитувчиси эди-да.

— Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди Шаҳбознинг отаси Голиб Жумақулов. — Болаларнинг қизиқиш ва қобилиятини эътиборга олган ҳолда, уларнинг истеъдодини ривожлантириш нафақат ўқитувчиларнинг, балки биз, ота-оналарнинг ҳам асосий вазифаларимиздандир. Бу ўғил-қизларнинг келажақда касб танлашида муҳим ўрин тутаяди.

Энг муҳими юртимизда ёшлар ўз салоҳиятини намоён этиши учун зарур барча шароитнинг яратилгани фарзандларимиз ютуқларида муҳим омил бўлаётир. Улар сафида менинг ҳам фарзандим борлигидан қувончим чексиз.

Шаҳбоз Ҳасанов таҳсил олаётган Қоракўл туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаб-интернати ўқитувчилари ўз ўқувчилари эришадиган ютуқлар билан ҳақли равишда фахрланади. Зеро, ўқитувчининг меҳнати шогирдлари билими, уларнинг келгусида баркамол инсон бўлиб улғайиши билан ўлчанади. Ўтган йилларда мактабнинг Оғабек Хайдаров, Аббос Сайлиев каби ўқувчилари математика фани бўйича ўтказилган халқаро олимпиадаларда совринли ўринларни эгаллади. Қўллаб ўқувчилар киме, биология ва тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида таҳсил олмақда.

— Таълим масканимизда ўз билим ва салоҳиятига ишонган иқтидорли ўқувчилар жуда кўп, — дейди таълим маскани директори Темура Рўзиев. — Уларнинг келажақда етук мутахассис бўлиб шаклланиши учун мамлакатимизда барча шароит ва имконият муржасам. Бу ёш авлоднинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлод, етук инсонлар бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

Тўмарис АбЗАМ,  
“Milliy tiklanish” мухбири

## Қўмата йиғилиши

# Ахборот соҳасида

тадбиркорлик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш — долзарб вазифа

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда “Ахборот соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш” мавзусида давра суҳбати ташкил этди. Унда депутатлар, тегишли ташкилотларнинг масъул ходимлари, соҳа мутахассислари ҳамда журналистлар қатнашди.

Тадбирда ахборот соҳасини тартибга солуви меъёрий-ҳуқуқий базанинг ривожланиши ҳолати, истиқболлари, ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида хусусий мулк ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш, мамлакатда инновацион бизнес муҳитини яхшилаш каби масалалар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқлол йилларида замонавий, илгор технологик стандартларга жавоб берадиган ахборот коммуникация технологиялари секторининг фаол ўсишига, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳасига замонавий ахборот технологиялари жорий қилинишига шароит яратувчи ахборот соҳаси қонунчилиги шакллантирилди. Хусусан, “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон ҳуқуқат тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар соҳа ривожига муҳим ҳуқуқий асос бўлаётир. Ушбу ҳужжатлар ижроси учун ҳуқуқни қўллаш амалиётининг тизимлилиги ва тўлиқлилиги таъминланиб, ҳуқуқий тартибга солинувчи субъектларнинг самарали фаолият кўрсатиши борасидаги қонуности

ҳужжатлар ўз вақтида қабул қилинмоқда.

— Ахборот соҳаси ривожини ҳамда маҳаллий корхоналарнинг рақобатбардошлиги янада ошишига мамлакатимизда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим омил бўлмоқда, — дейди ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг биринчи ўринбосари Алишер Файзуллаев. — Корхоналар, ҳўжалик бирлашмалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ҳисобот ҳамда ҳужжатлар айланиш тизимига ўзимизда ишлаб чиқарилган ахборот-компьютер технологиялари ва дастурий маҳсулотлар кенг жорий этилган. Бу эса, ўз навбатида, кўрсатилмаётган хизматлар сифатини ошириш, ишлаб чиқариш таннархини ва харажатларини камайтириш, мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда Интернет тармоғидан фойдаланиб янги бозорларни очишга хизмат қилмоқда. Колаверса, дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи компанияларимиз миллий қонунчиликда кўзда тутилган преференция ва имтиёзлардан самарали фойдаланишаётгани уларнинг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлиги, маҳаллий дастурий маҳсулотлар ҳажми ва сифатини сезиларли даражада оширишида муҳим ўрин тутаётир.

Таъкидлаш жоиз, ахборот соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий базасини мунтазам ислоҳ қилиш тўғрисидаги миллий ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳаси барқарор юксалиб бормоқда. Сўнгги йилларда телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи оператор ва провайдерларнинг истеъмолчиларга кўрсатаётган хизматлар кўлами кескин кенгайди, маълумотлар узатиш тезлиги ҳам йилдан-йилга ўсмоқда: соҳа корхоналари кўрсатган хизматлар ҳажми охириги йилда 11,4 фоиз, шу жумладан, аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми 12,2 фоизга ўсди. Халқаро ахборот тармоқлари-

дан фойдаланиш тезлиги жорий йил бошига нисбатан 32 фоизга ошиб, 35 Гбит/секундга етди.

— Бугун глобал иқтисодиётда компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатиш соҳасининг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Марҳаб Фафурова. — Бу эса, ўз навбатида, инсониятнинг ахборотга бўлган қарашини ўзгартирди ва бизнес йўналишида янги қирраларни очиб берди. Мамлакатимизда мазкур соҳада амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳўжалик иритувчи субъектлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари учун кўллаб қулайликлар яратмоқда. Бинобарин, электрон тўлов ва тижоратнинг жорий этилиши ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, маҳсулот ва хизматлар экспорти ҳажми ва рақобатбардошлигини ошириш билан бир қаторда иқтисодиёт тармоқларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш имконини бераётир. Мазкур давра суҳбатида муҳокама этилган масалалар ЎзМТДП сайловлиди Платформасида белгиланган муҳим вазифаларга уйғун ва ҳамоҳанг экани билан ҳам аҳамиятлидир.

Давра суҳбатида ишбилармонлик муҳитини яхшилашга кўмаклашувчи ахборот соҳаси қонунчилигини янада такомиллаштириш, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида янги юқори технологияларга асосланган ишчи ўринларини яратиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган қатор тавсия ва тақлифлар ишлаб чиқилди.

Аҳмад ЮСУПОВ,  
“Milliy tiklanish” мухбири

## Тадбир

Президентимизнинг 2016 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрида ҳам энг улуг, энг азиз байрамга қизин ҳозирлаб кўрилоқда.

# Қалбларда байрам шуқуҳи

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида “Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!” шиори остида ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар ҳам юртдошларимиз ҳамда пойтахт меҳмонларида катта таассурот қолдирмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими, Шайхонтоҳур, Яққасарой, Яшнобод туманлари ҳокимликлари, Тошкент шаҳар касаса уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташкил этган мазкур тадбирга маҳалла, хотин-қизлар қўмиталарининг фаоллари, касаса уюшмалари соҳаси мутахассислари, иқтидорли ёшлар, намунали оилалар, нурунийлар тақлиф этилди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Сайид ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар мамлакатимизда тинчлик ва ижтимоий барқарорликни, турли миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ҳаётимиз фаровонлиги муттасил ортишида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Эътироф этилганидек, юртимизнинг барча ҳудуди қатори пойтахтимизни янада ободонлаштириш ва кўкнамзорлаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди, янги иншоотлар, муҳташам мада-

ният ва спорт саройлари, раvon йўллар, боғ ва хиёбонлар барпо этилди. Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари пойтахтимизнинг янада обод, гўзал ҳамда замонавий қиёфа касб этишига хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси юртдошларимиз қалбида ҳаётдан розилик, эртанги кунга ишонч, бахтиёр кунларимиз,

юртимиздаги тинчлик ва осойишталик учун шуқроналик туйғуларини мустаҳкамламоқда.

— Аждодларимиз асрлар мобайнида орзу қилган озодлик, мустақиллик Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, тараққиётга юз тутганини кўриш бизларга насиб этди, — дейди Яққасарой тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Муҳиба Мирсаидова. — Мамлакатимизда кечаётган янгилаш жараёнлари буюк алломуларга бешик бўлган, тупроғи зар шу заминни, тинчлигимизни, мустақиллигимизни кўз қорачигидек асраб-авайлашга, фарзандларимизни ҳам шу йўлда сафарбар этишга, Ватанга муносиблик туйғусини мустаҳкам қарор топтиришга ундайди.

Файзли оқомда жонажон Ўзбекистонимиз, истиқлолимиз, ўтган йиллар мобайнида эришилган улкан ютуқларни тараққий этувчи шеърлар, куй-қўшиқлар янради. Шаҳримизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларида меҳнат қилаётган фаол ходимлар, иқтидорли ёшлар, халқаро мусобақалар голиблари, ибратли оилаларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Пойтахтнинг иқтисодий салоҳияти, бунёдкорлик ва ободонлик ишлари, ҳаётбахш ислохотлар, маҳаллалар ҳаёти, ёшларнинг бахту камоли ҳақида ҳикоя қилувчи фото-кўргазма ташкил этилди.

Д. РЎЗИЕВА,  
“Milliy tiklanish” мухбири



# “ШИМОЛГАЗТАЪМИНОТ” УНИТАР КОРХОНАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ШАҲАР ВА ТУМАНГАЗ ФИЛИАЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ ВА УРГАНЧ ШАҲАРГАЗ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистоннинг меҳнаткаш, меҳмондўст,  
бунёдкор халқини

## МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ

билан чин дилдан муборакбод этади.

ЮРТИМИЗ ТИНЧ,  
ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!



### НАВОИЙ ВИЛОЯТИ КЎП ТАРМОҚЛИ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни Ватанимиз  
мустақилликка эришган куннинг

**25** *ЙИММИГИ*  
*билан муборакбод этади!*

Истиқлол — улугъ неъмат.  
Уни кўз қорачигидек асраб-авайлайлик.  
Тинчлик ва осойишталигимизга  
кўз тегмасин!

**БАЙРАМ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!**




### “ҚОРАҚАЛПОҚ ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ ЖАМОАСИ

энг улугъ, энг азиз айём —

Ўзбекистонимиз мустақиллигининг  
**25 ЙИЛЛИГИ**

билан табриклайди.

Бахт ва қувонч сизларга  
доимо ҳамроҳ, барча эзгу  
ниятларингиз ажобат  
бўлашини тилаб қоламиз!



**АЙЁМ  
МУБОРАК!**



Бизнинг шарҳ

# Ортиқча вазн — ортиқча муаммо

бугун дунё бўйича 640 миллион одам семизликдан азият чекмоқда

Шу йилнинг март ойда ортиқча вазни туфайли соғлиғи ёмонлашган Колумбия фуқароси, 44 ёшли Васкес Моралесга ёрдам кўрсатиш мақсадида уш ўт ўчириш машинасида шифохонага олиб кетишга тўғри келди. Ушанда 400 килоли беморни машинага ётқириш учун 20 киши овера бўлди.

Бундан сал аввалроқ, яъни 2013 йилда Саудия Арабистонида дундаги энг оғир вазнли инсон Халид бин Мухсин Шаарини ҳам тиббиёт муассасасига олиб боришга тўғри келганди. 22 ёшда бўлган Халид икки йил давомида беҳаракат бўлиб, ҳатто уйдан чиқа олмай қолганди. Ар-Риёд шаҳридаги шифохоналардан бирида беморнинг вазни ўлчанганида унинг 610 килограмм тош босиши маълум бўлди. Шу боис у дундаги энг оғир вазнли одам сифатида "Гиннесснинг рекордлар китоби"дан ҳам жой олади. Ушанда шифокорлар бор имкониятларини ишга солиб, уни 320 килограммдан халос қилишга муваффақ бўладилар. Муолажа давомида беморнинг юрак ва ўпка фаолияти қайта тикланиб, ниҳоят у оёқларида ҳаракатлана бошлайди.

Сўнги пайтларда хориж оммавий ахборот воситалари орқали семизликнинг оқибатлари ҳақидаги шунга ўхшаш хабарларга тез-тез дуч келишимиз. Хўш, семизлик нимадан келиб чиқади? Ундан қандай халос бўлиш мумкин? Бугунги шарҳимиз давомида ана шу масалалар хусусида фикр-мулоҳаза юритамиз.

## Статистика нима дейди?

Статистик маълумотларга қараганда, дунё бўйича сўнги 40 йил ичида ортиқча вазндан азият чекаётган одамлар сони олти бараварга ошган. Бугун дунё миқёсида 18 ёшдан юқори 1.9 миллиард одам ортиқча вазнга эга. Агар 1975 йилда 105 миллион одам семизликдан азият чеккан бўлса, ҳозирги кунга келиб 640 миллион одам ана шундай муаммога дуч келмоқда. Агар вазият шу тахлит давом этса, 2025 йилга бориб, дунё бўйича эркакларнинг 18, аёлларнинг 21 фоизи семизлик касаллигига дучор бўлиши мумкин.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг ҳисоботида қайд этилишича, Мексика ортиқча вазн билан боғлиқ муаммога энг кўп дуч келаётган мамлакат бўлиб қолмоқда. Мамлакатнинг 18 ёшдан юқори фуқароларининг 32,8 фоизи, яъни деярли учдан бир қисми семизликдан азият чекаётди. Бу борада АҚШ иккинчи ўринда қайд этилган. Мексикада ҳукумат семизликка қарши амалий савий ҳаракатларни амалга оширишга киришди. Жаҳон соғлиғини сақлаш ташкилотининг ҳисоб-китобида қараганда, бу ишларни рўйбега қилиш учун ўн йил давомида 15 миллиард доллардан зиёд маблағ талаб этилади.

Айтиш жоиз, аҳолиси кам айрим мамлакатларда ҳам одамлар ўртасида семизлик кўрсаткичи анча юқори. Масалан, Наурунинг аҳолиси ўн мингдан сал кўпроқ бўлишига қарамай, уларнинг 71 фоизи ортиқча вазнга эга.

## Камҳаракатлилик — асосий сабаб

Одамда ортиқча вазннинг пайдо бўлиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзилар бу ирсият билан боғлиқ деб ҳисобласа, бошқалар буни бевосита ижтимоий шароитлар билан алоқадор эканини таъкидлайди.

Тадқиқотлар ортиқча вазн билан боғлиқ муаммонинг 90 фоизи оқват истеъмоли ҳамда жисмоний меҳнат ўртасидаги номуносиблик туфай-



ли келиб чиқаётганидан далолат бермоқда. Кўпчилик кун давомида калорияси юқори озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилади. Кўзланган манзилга пиёда эмас, балки автомобилда қатнайди, иш-хонада эса муқим ўтириб ишлайди, кўп қаватли турар жойларда истиқомат қилувчилар эса зинадан эмас, балки лифт орқали кўтарилиб-тушишни маъқул кўради, уй-рўзгор юмушларини бажариш учун чанготкич, кир ювиш машинаси, микро-тўлқинли печ сингари техника воситаларидан фойдаланиб, ўзларини ортиқча уринтиришни истамайдилар. Қолаверса, бугунги тезкор даврда бозор-ўчар қилиш учун кўчага чиқиш ҳам шарт эмас. Шундоққина телефон гўшагини кўтарсангиз бас: деҳқончилик маҳсулотлари дейсизми, кундалик рўзгор ашёлари дейсизми, хуллас, анқонинг уруғидан бошқа ҳамма нарса бир зумда муҳайё этилади. Бундай ҳолатда йиғиладиган калория сарф этилмай, ёғ тўқимаси ҳолида организмда йиғилиб бораверади. Оқибатда, одамда ортиқча вазн юзага келади, жисмоний фаоллик пасая бошлайди, озгина ҳаракатланганда ҳам ҳансираш, мушакларда оғриқ пайдо бўлади. Фаоллик камайиб, қўшимчага оқват рационага эътибор қаратмаслик оқибатида вазн борган сари ошиб бораверади.

## Семизлик ҳам — касаллик

Айримлар ортиқча вазни шунчаки ташқи кўринишга дахл қилувчи ҳолат сифатида қараб, унинг соғлиққа зарари ҳақида кўп ҳам ўйлаб кўрмайдилар. Аслида семизлик ҳам — касаллик. Семириш бир қатор жиддий хасталикларни келтириб чиқаради. Йиғиладиган ҳар бир килограмм ортиқча вазн туфайли буйрак 20 миллиграмм ортиқча холестерин ишлаб чиқаради. Бу атеросклероз, инфаркт, инсулът каби кас-

салликларнинг келиб чиқиш хавфини оширади. Ортиқча вазнда тиззалар ҳамда тос суюғи бўғимларига юқламалар микдори ошади. Корин ҳамда кўрак қафаси соҳасида ёғ тўпланиб қолиши диафрагмани "сиқиб" қўяди. Оқибатда ўпкада ҳаво алмашинуви ёмонлашади. Семиз одамларда ўткир респиратор касалликлар юзага келади. Бундай одамларда астма касаллигига чалиниш хавфи қомати расо одамларга қараганда 1,5-2 бараварга юқори бўла-



ди. Ортиқча вазн йиққан одамларнинг деярли 80 фоизда гепатоз — буйрак хужайраларида ёғ йиғилиб қолиши кузатилади. Бу эса буйраклар фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Семиришнинг биринчи даражасига чалинган одамларда қандли диабетнинг иккинчи даражасига чалиниш хавфи икки бараварга ортади.

Ақсарият ҳолатларда семизлик ирсият билан эмас, балки оилада овқатланиш кўникмаси билан боғлиқ. Масалан, баъзи оилаларда ёғли овқатлар, ширинликлар кўп микдорда истеъмол қилинади. Бундай оилаларда болалар катталар сингари ортиқча вазн тўплайди. Улар, ўз навбатида, турмуш курганларидан кейин ўша муҳитни ўз оилаларида ҳам татбиқ этидилар. Агар бундай оилادا катта бўлаётган бола овқатланиш тарзини ўзгартирса, озиши мумкин.

## Кўпроқ сув ичинг!

70 кило вазнга эга 35-40 ёшли эркак кишининг бир кунлик моддалар алмашинуви учун 1 минг 650 калория зарур. Шундай ёш ҳамда вазнга эга аёллар учун 1 минг 490 калория кунлик эҳтиёжни таъминлайди. Моддалар алмашинуви жараёнида эса сув муҳим роль ўйнайди.

АҚШнинг Мичиган университети олимлари ортиқча вазннинг юзага келиши организмнинг етарли микдорда сувга тўйинмаслиги билан ҳам боғлиқ эканини аниқлади. Бунинг учун 9,5 минг кўнгилли иштирокида тадқиқот олиб борилди. Уларнинг учдан бир қисми нисбатан кўпроқ микдорда суюқлик истеъмол қилишди. Ушанда олимлар етарли микдорда сув истеъмол қилмаган иштирокчиларда ортиқча вазн пайдо бўлгани билан боғлиқ ҳолат юзага келганини аниқлади.

Бундан сал аввалроқ Иллиной университети олимлари эса мунтазам сув истеъмол қилиш озишга

сабаб бўлишини аниқлаган эди. Мазкур университет олимлари сув билан бирга кўпроқ мева-сабзавотлар истеъмол қилиш ҳам танадаги вазни меъёрлаштиришга ёрдам беришини айтмоқда. Сув организмдаги шакар, туз, ёғ, холестерин микдорини камайтиришга хизмат қилади. Олимларнинг фикрича, кун давомида кўп сув истеъмол қилувчилар организмни бошқаларга қараганда кунига 68-205 калория, 78-235 грамм туз, 5-18 грамм шакар, 21 грамм камроқ холестеринни ўзлаштиради.

## Қандай озиш мумкин?

— Ақсарият ҳолатларда парҳез озишга ёрдам бермайди, — дейди россиялик диетолог Екатерина Белова. — Сабаби, одамлар кўп овқат ейишдан эмас, балки моддалар алмашинуви бузилиши ёки бошқа касалликлар туфайли семирдилар. Семизликка айрим эндокрин касалликлар, мисол учун қалқонсимон ҳамда буйрак усти безлари фаолиятининг бузилиши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун малакали шифокор, одатда, беморга организмдаги гармонлар ҳолатини текширишни тавсия этади. Ана шундай текширувлар ортиқча вазн беморларнинг атиги 5 фоизда семизлик касаллик туфайли, қолган 95 фоиз ҳолатда эса кўп овқат истеъмол қилиш ҳамда камҳаракатлилик туфайли юзага келганини тасдиқлайди. Бу эса овқатланиш тарзини ўзгартирини тақозо этади.

Бугун озиш борасида тавсиялар шу даражада кўпки, уларнинг барчаси ҳам ишончли эмас. Кўпчилик машғулларсиз, фақат соғлом овқатланиш тарзига амал қилиш ҳисобига ортиқча вазндан халос бўлади. Семизликнинг 2-3 даражаси мавжуд одамлар фитнес-клубда оғир машқларни бажариши ярамайди. Бундай машқлар семиз инсонлар бўғимларда оғриқ беради, юракни зўриқтиради. Югуриш ёки тош кўтариш соғлиққа жиддий зарар етказиши мумкин. Яхшиси, бадантарбия билан шуғулланиб, кўпроқ пиёда сайр қилган маъқул. Бироз вазн ташлагандан сўнг, сал мураккаброқ машқларга ҳам ўтиш, машғуллар давомийлигини мунтазам ошириб бориш зарур. Озгандан сўнг жисмоний фаоллик ниҳоятда зарур. Ҳар куни танавул билан 1-1,5 соат юриш фойдали. Қўшимчасига ҳафтада икки бор ярим соатдан ўзига ёққан машғуллар, хусусан, тош кўтариш, сузиш, рақс тушиш, ролликда учиб мумкин.

Шифокорлар фикрича, бир ойда 3-4 килограммача вазн ташлаш мумкин. Мазкур меъёрдан ортиқ микдорда озиш организмда турли муаммолар — моддалар алмашинуви, жигар, буйрак, бош мия фаолиятининг бузилишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, тери ва ташқи кўринишга ҳам салбий таъсир кўрсатади.


Мухтасар айтганда, ҳар кимнинг саломатлиги ўз қўлида. Овқатланиш қоидалари ва соғлом турмуш тарзига мунтазам амал қиладиган инсонларни саломатлик билан боғлиқ бундай муаммолар четлаб ўтиши шубҳасиз.

## Рангин дунё

Инсон организми бўйлаб саёҳат қилишни истайсизми? У ҳолда Нидерландиянинг Лейден шаҳри яқинида жойлашган "Corpus" музейига таширф буяринг.


"Одамнинг ички органлари бўйлаб саёҳат" 55 дақиқа давом этади. Сайёҳат инсон тиззасидан бошланиб, унинг бошига қадар давом этади. Музейнинг кириш жойида бинога ўхшатиб тайёрланган, ўтир-

# Одам шаклидаги фаройиб музей



Музей жойлашган иншоот ўзига хос меъморий ечимга эга бўлиб, 35 метрли ўтирган одам кўринишида бунёд этилган. Унинг ён томонида бетон ҳамда ойнадан ишланган етти қаватли бино қад ростлаган. Музей 2006-2007 йилларда қуриб битказилган бўлиб, лойиҳани амалга ошириш учун 27 миллион доллар сарфланган. У Амстердам ҳамда Гаага шаҳарлари йўналишидаги автомобиль йўли бўйида жойлашган. Аввалига мазкур фаройиб музейни Амстердам шаҳрида қуриш мўлжалланган эди. Бироқ музейга бориш қулай бўлиши учун уни айнан шу жойда барпо этишга қарор қилинади. Иншоотни қуриш учун коррозияга чидамли 750 тонна пўлат, 2 минг квадрат метрли алюминий панель ҳамда ойна сарфланди.

Эскалатор воситасида музей



бўйлаб юрак экансиз, одам ички органларини, хусусан, мушаклар, суюқлар, буйрак, юрак, ўпка, ҳазм қилиш органлари, кўз, қулоқ ҳамда мияни йирик ҳолатда, ички томондан томоша қилиш имкониятига эга бўласиз. Қолаверса, сайёҳат давомида одам ички органлари қандай ишлаши ҳақида кўплаб қизиқарли ва керакли маълумотларга эга бўлиш мумкин. Шу билан бирга, ички органларни томоша қилиш, соғлом овқатланиш уларнинг фаолиятига қай даражада таъсир кўрсатишини, шунингдек, уйку нима учун зарурлиги, соч қандай ўсиши, мия қандай фаолият кўрсатиши, инсон ниманинг ҳисобига таъмини ҳис этиши каби ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш имконияти мавжуд.

ган одам қиёфасидаги макет жой олган. Шундан сўнг томошабинлар музейнинг сон суюғи жойлашган бўлмаси томон йўл оладилар. Бу ерда мушаклар ҳамда бўғимларнинг фаолияти билан танишиш мумкин. Музейнинг энг қизиқарли бўлмаларидан бири — юрак. Уни ички томондан томоша қилиш мумкин. Шундан сўнг оғиз бўшлиғи томон юрилади. Кейинги босқич қулоқ ҳамда бурун бўшлиғи бўлиб, инсон аксирганида қандай ҳолат юз бериши жараёни билан танишиш мумкин. Кейинги йўналиш эса — кўз. Мазкур бўлмада нур кўз гавҳарига қандай тушиши, тасвир қандай ҳосил бўлиши ҳамда бу ҳақдаги маълумот мияга қай йўсинда етиб бориши ҳақида қимматли маълумотларга эга бўласиз. Охириги йўналиш — мия. Ҳар бир орган бўйлаб ҳаракатланар экансиз, махсус овозлар воситасида уларнинг қандай товуш чиқаришини ҳам эшитиш мумкин.

Музейда турли кўргазмалар ҳам ташкил этилади. Бу ерда кафе, конференц-зал ҳам мавжуд. Музей ичида саккиз (нидерланд, инглиз, француз, испан, италия, немис, япон, хитой) тилдаги аудиоиди тизими жорий қилинган. Шу боис томошабинлар аудио ускуналар воситасида ҳар бир экспонат ҳақидаги маълумотлар билан ўзларига қулай тилларда танишиш имкониятига эга. "Инсон ички органлари бўйлаб сайёҳат" катталар учун 16,50, болалар учун 14 евро. Музей душанбадан ташқари ҳар куни фаолият юрилади.

Ҳар бир инсон ўз организмни, ундаги ҳар бир ички органларнинг фаолияти ҳақидаги зарурий билимларга эга бўлиши лозим. Бу, аввало, саломатлиқни сақлаш, касаллик билан курашиш, соғлом турмуш тарзига амал қилиш учун зарур. Мазкур музей эса одамларнинг бу борадаги тасавурларини оширишга хизмат қилиши билан алоҳида ўрин тутаяди.

## Европанинг энг яхши футболчиси — Роналду

Мадриднинг "Реал" клуби ҳамда Португалия терма жамоаси ҳужумчиси Криштиану Роналду Европада ўтган мавсумнинг энг яхши футболчиси, деб топилди, дейлади "lenta.ru" сайтида.

Ўтган мавсумда Роналду "Реал" таркибида Европа чемпионлар лигаси ҳамда Португалия терма жамоаси сафида Европа чемпионлигини кўлга киритди. Португалиялик футболчи қироллик клуби сафида



## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

48 ўйинда майдонга тушиб, 51 голга муаллифлик қилди.

Бу йилги совринга Роналду билан бирга унинг клубдаги жамоадоши Гарет Бейл ҳамда Мадриднинг "Атлетико" клуби ҳужумчиси Антуан Гризмандан ҳам ҳам дэввогарлик қилди.

Бундан олдинги совринларни Лионель Месси ("Барселона", 2011, 2015), Андрес Иньеста ("Барселона", 2012), Франк Рибери ("Бавария", 2013) ҳамда Роналду ("Реал" 2014) кўлга киритган эди.

## Антарктидада қўл пайдо бўлди

Шарқий-Антарктида муз қатламида, асосан Лангхове музигида кўплаб қўллар ҳосил бўлди. Бу ҳақда "lenta.ru" хабар тарқатган.

Бундай ҳолат Гренландия ороли муз-

ликларида ҳам кузатилган бўлиб, у илиқ ёз ҳавосида музликларнинг устки қатлами илиши натижасида юзага келади. Бундай қўлларни глобал исишнинг асорати дейиш мумкин. Мазкур ҳолат Гренландия ороли музликлари эришининг сабабларидан биридир. 2011-2014 йиллар ораллигида орол музликлари деярли триллион тонна сув йўқотган эди. Маълум бўлишича, 2000-2013 йилларда Лангхове музигида де-



ярли етти минг қўл ҳосил бўлган. Уларнинг асосий қисми 2012-2013 йилларда ёзнинг илиқ келиши оқибатида юзага келган.

Антарктидада қўлларнинг пайдо бўли-

ши олимларни хавотирга солмоқда. Сабаби, жанубий ярим шарда Гренландияга қараганда музликлар кўпроқ. Борди-ю, унинг музликлари эриши тезлашса, сайёрамиздаги денгиз ва океанлар сатхи кўтарилиб, инсоният ҳаётига хавф солиши мумкин.

## Яна беш киши Зика вирусини билан оғриди

Сўнги кунларда Флорида штати соғлиқни сақлаш бошқармаси Зика вирусини юқтириш билан боғлиқ беш ҳолатни аниқлаган. Улардан бири Пинеллас округида қайд этилган.

Шу пайтгача бу ерда, мазкур юқумли касаллик билан хасталанган бемор рўйхатга олинмаган эди. Яна тўрт нафари Майами-Дейд округи Винвуд аҳоли пункти фуқаросидир, дея маълум қилди Флорида штати губернатори Рик Скотт. Губернаторнинг сўзларига кўра, штат ҳудудида Зика вирусини юқтирганлар сони 42 нафарга етган.



Унинг айтишича, касаллик тарқалиш ҳудуди унчалик ҳам катта эмас. Юқумли касаллик асосан Винвуд ва Майами-Бич ҳудудида кузатилмоқда.

Айни чоғда, штатда Зика вирусининг тарқалишига сабаб бўлувчи чивинлар ва уларнинг уруғларини йўқотиши буйича зарурий чоралар кўрилмоқда. Шу мақсадда пестицидлар ва махсус овлаш ускуналаридан фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, маҳаллий ҳукумат аҳолини чивинларни йўқотувчи маҳсулотлар билан бепул таъминламоқда.



РЕКЛАМА

# Қизилтепа туманидаги “ШАРҚ ҚУРИЛИШ СЕРВИС” МЧЖ ЖАМОАСИ

меҳнатсевар, бағрикент,  
бунёдкор халқимизни

Ватанимиз  
Мустақиллигининг  
25 йиллик



шодиёнаси билан  
муборакбод этади.



ЭРКИМИЗ, ШОНУ  
ШАВКАТИМИЗ БОҚИЙ БЎЛСИН!

РЕКЛАМА

## “ASIAELEGANTSTAR” МЧЖ жамоаси

барча юрtdошларимизни

Мустақиллигимизнинг  
25 йиллик

байрами билан чин  
дилдан муборакбод этади!



VATAN TUVU'USI HAR NARSADAN USTUN

MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ: “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАХРИР ХАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Ахрор АХМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУХАММАДЖОНОВА, Улуғбек МУХАММАДИЕВ, Сувон НАЖИДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОВЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмаи ХУДОЕВОВ

**Бош муҳаррир:** Бехзод НОРБЕКОВ  
**ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темури кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй  
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди  
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Кабулхона (факс): 234-89-55; Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47; Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41; Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73; Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74; Бухгалтерия: 234-87-73.  
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2  
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй

### ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

## Ясситовонлик қандай даволанади?

Соғлом товон — тана ҳаракатлинишида асосий таянч маркази бўлиб, у танани зарб ва силкинишлардан сақлаб, юришга энгиллик ва майинлик бағишлайди. Ясситовонлик эса, аксинча, товоннинг ўзига хос амортизация вазифасини бузади ва таянч фаолиятини сусайтиради. Ясситовонлик таянч-ҳаракат аъзоларида энг кўп учрайдиган касалликлардан бири бўлиб, унда товон таги узунасига ерга тегиб туради. Юриш вақтида ҳамма куч, силкиниш болдир, чанок-сон бўғимига, бел умуртқа поғонасига тушади. Бунинг оқибатида бўғим касалликлари — артрозлар, умуртқалар поғонаси қийшайиши — сколиоз касаллиги келиб чиқади. Ясситовонлик касаллиги қанча тез аниқланса ва унинг даволаниши қанча барвақт бошланса, юқорида айтилган касалликларнинг олдини олиш мумкин.

Одатда, ясситовонлик болаликдан ривожланади. Бундан ташқари, семизлик, рахит касаллиги асорати ва нотўғри танланган оёқ кийимлар ҳам бу касалликка сабаб бўлиши мумкин. Болаларга тор оёқ кийим кийдириш ҳам кейинчалик бу касалликка олиб келади. Бунда товон осон деформацияланади, таянч мускуллари зўриқиб, касаллик ривожланишига шароит яратилади. Бу касаллик насл суриши ҳам мумкин.



Касаллик товонда, тизза бўғими ва белда оғриқ, кечга бориб товон шишиши каби асоратларни намоён қилади. Ясситовонлик хасталигини даволашда кўпроқ физиотерапевтик муолажалар — парафин, ионофорез, дарсенваль, даволаш гимнастикаси, массаж (маҳсус уқалаш) яхши натижа беради. Хасталикнинг бошланиш даврида энг фойдали муолажа уқалаш бўлиб, у қон айланишини нормал ҳолатга келтиришга, товон бўғимлари ва пайлари ривожига яхши таъсир ўтказади.

Касаллик аниқлангач, доимий равишда коррекцияловчи ортопедик оёқ кийим кийиб юриш лозим. Ҳар куни эрталаб бадан-тарбия машқларини бажариш, илиқ ванна қабул қилиб, оёқ ва товонни уқалаш, оёқ чигилини ёзиш учун сайр қилиш фойдали. Иложи борида кўпроқ сузиш машғулотларига қатнаш, ёзда майда тош, кум ва майсалар устида ялангоёқ юриш ҳам наф беради.

Пойабзални тўғри танлаш ҳам бунда муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, пойабзал оёққа мос келиши керак: тор бўлмаслиги, катта ҳам бўлмаслиги лозим. Аёлларга иложи борида тўрт сантиметрдан ошмаган пошнаги оёқ кийимларда юриш тавсия этилади. Шунда тана вази оёқ товонига бир хил тақсимланади, оёқ мускуллари зўриқмайди, қон айланиши бузилмайди. Пойабзал сотиб олаётганда, унинг таг қисми осон букилишига эътибор бериш лозим. Унинг уч қисми қанчалик тор ва пошнаси баланд бўлса, у шунчалик товоннинг ҳаракатлинишига тўсқинлик қилади ва қон айланишини бузади, тана доимий равишда олдинга интилиб ҳаракатлиниши оқибатида умуртқа поғонаси қийшайди, мускулларнинг зўриқишига ва чарчашига, асаб тизимининг бузилишига ва кўпгина таянч ҳаракат касалликларига олиб келади ва бутун тананага оғриқ беради. Доимий равишда баланд пошнада юрадиган аёлларда бош бармоқнинг қийшайиши ва ясситовонлик кўпроқ кузатилади. Шундай экан, ўзингизга қулай ва мос оёқ кийимлар танлаган маъқул.

### БИЛАСИЗМИ?

- 1958 йили халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлганида Бобби Фишер 14 ёшда бўлган.
- Зангланган темир зангламагандан оғирроқ бўлади. Чунки темир оксиди темирдан оғирроқ.
- Ой ҳақидаги фан қадимги Юнонистонда ой маъбудаси ҳисобланган Селена шарафига селенология деб аталади.

### ТУРФА ОЛАМ

#### Уй-орол

Канаданинг Ванкувер шаҳрида истиқомат қилувчи кекса жуфтлик Кэтрин Кинг ва Уэйн Адамс 25 йил муқаддам ўзларига шахсий уй харид қила олмасликларига кўзи етгач, бошпана билан боғлиқ муаммони ҳал этиш мақсадида сув ҳавзаси устида сузувчи уй қуришга қарор қилишди. У вақт ўтиб, унча катта бўлмаган сунъий оролчага айланди.



Сузиб юрувчи уйни барпо этиш ишлари 1991 йилда бошланган. Уэйн Адамс уйни қуриш чоғида, электр асбобларни умуман қўлламай, ингичка арра ва болгадан фойдаланган, холос. 2016 йилга келиб сунъий оролчанинг вази 500 тоннага етди, уй 12 бўлмагача кенгайган. Унда тўртта иссиқхона, ошхона, устахона, бадий галерея, маёқ ва рақс майдончаси ҳам бор.

Эр-хотин ўз уйларини “Озодлик ороли” (Freedom Cove) деб номлаган. Уэйн Адамснинг сўзларига кўра, у ҳовлисидаги барча миҳ ва тахтанинг жойлашув ўрнини яхши билади.

Ш.ФАФФОРОВ тайёрлади.

Эълон!

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган мақолалар тўпламини (китоб) нашр этиш учун танлов эълон қилади.

Маълумот учун тел: 239-45-77, 277-60-15

Газета ҳафтанинг chorshanba кuni чиқади.  
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
Буюртма — Г 825, Адади — 5068. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда.  
**Навбатчи муҳаррир:** Шаҳзод ҒАФФОРОВ  
**Навбатчи:** Тумарис БУТУНБОЕВА  
**Саҳифаловчи:** Илхом ЖУМАНОВ  
**Электрон почта:** e-mail: m.tiklanish@mail.ru  
Босишга топшириш вақти — 21.30.  
Топширилди — 23.35.  
УзА якуни — 21.20.

ISSN 2010-7734

